

ИННОВАЦИОН МАКТАБЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Очилов Абдурахмон Хабибуллаевич

Чирчиқ давлат педагогика университети тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда янги йўналишдаги мактаблар очилиши билан уларни таълим жараёнини инновацион педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ва бошқариш талаб этилади. Мақолада инновацион мактабларни лойиҳага ёки тадқиқот дастурига мувофиқ шакллантириш йўналишлари, бу йўналишларни ўқитувчилар жамоаси томонидан тан олинган устувор таълим вазифаларига нисбатан аниқ белгилаш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: лойиҳавий мактаблар, инновация, лойиҳа, таълим лойиҳаси, маҳаллий тадқиқот, илмий тадқиқот иши.

АННОТАЦИЯ

С открытием в нашей стране школ нового направления необходимо организовать и управлять их образовательным процессом на основе инновационных педагогических технологий. В статье рассмотрены направления формирования инновационных школ по проекту или исследовательской программе, вопросы четкого определения этих направлений применительно к признанным педагогическим коллективом приоритетным образовательным задачам.

Ключевые слова: проектные школы, инновации, проект, образовательный проект, локальные исследования, научно-исследовательская работа.

КИРИШ

Мамлакатимиз таълим тизимида инновацион технологияларни қўллашга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Чунки анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, инновацион технологиялар орқали ўқувчилар эгаллаётган билимларни ўзлари излаб топишларига, мустақил таҳлил қилишларига ва хулоса чиқаришга ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсининг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишга шароит яратади ва шу билан бир каторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради.

Мамлакатимизда янги йўналишдаги мактаблар очилиши билан уларни таълим жараёнини инновацион педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ва бошқариш талаб этилади. Ижод мактаблари, ихтисослаштирилган ва Президент мактаблари, хусусий мактаблар, мактабгача таълим ва бошланғич

таълим мажмуалари, 2-4-синфлар буйича ихтисослашган синфлар, 5-11-синфлар буйича ихтисослашган синфлар, ихтисослашган мактаб-интернатлар, фанлар блокти тизимида чуқурлаштириб ўқитиладиган академик лицейлар, мусиқа, санъат ва бошқа йўналишдаги таълим муассасалари шулар жумласидандир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳар қандай инновацион мактабни шакллантириш жараёнида ўқитувчилар учун асосий педагогик фаолиятга қўшимча равишда янги фаолият тури қўшилади. Одатда, ушбу турдаги фаолият икки хил йўналишдан бирига эга бўлади. Биринчи йўналиш *лойиҳалаш фаолияти* билан боғлиқ.

Ушбу турдаги мактаблар лойиҳавий мактаблар деб аталади. Улар учун инновациянинг ўзи яъни, янги нарсани таълим амалиётига мазмунан киритиш жараёни маълум бир лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ. Олимлар, педагоглар, файласуфлар, муайян ҳолатлар туфайли, лойиҳаловчи фаолиятини эгаллайдилар ва таълим лойиҳасини ишлаб чиқадилар, сўнгра мактаб аста-секин уни амалга ошириш босқичларидан ўтади. Масалан, Вальдорф мактаби 1914 йилда файласуф Рудольф Штейнер томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани амалга оширган ҳолда яратилган.

Инновацион мактаб ўқитувчилари фаолиятдаги яна бир йўналиш *тадқиқотчилик фаолияти* билан боғлиқ.

Ушбу турдаги мактаблар учун инновациялар биринчи навбатда мактабнинг ўзида яхлит тадқиқот дастурини жорий этиш билан боғлиқ.

Анъанага кўра, илмий-педагогик ва амалий-педагогик фаолият турлича қабул қилинади ва таълим жараёнининг турли субъектлари сифатида тақдим этилади. Таълим жараёнини ташкил этишнинг назарий тамойилларини ишлаб чиқувчи ўқитувчи-назариётчилар ҳам мавжуд. Амалиётчи-ўқитувчилар эса муайян дастурларни амалга оширадилар. Аммо бундай ёндашув билан, ҳатто энг ижодкор ўқитувчи ҳам, агар у ишлаётган тизимнинг назарий қоидаларини тушунмаса, таълим жараёнига нисбатан маълум бир қарашнинг қатъий чегараларида қолишга мажбур бўлади. Унинг шахсий ижоди фақат янги методикалар ва ўзига хос ишланмаларни “тартиблаш” билан чекланади.

Анъанавий педагогик тадқиқотларнинг таълим амалиётидан “ажралиши” таълим соҳасидаги тадқиқот фаолияти муаммолари билан шуғулланувчи назариётчи олимлар Ю.К.Бабанский, В.В.Краевский, В.М.Полонский, М.Н.Скаткинларнинг асарларида бир неча бор таъкидланган.

Масалан, В.В.Краевский ўзининг “Педагогик тадқиқотлар методологияси” асарида шундай ёзади: “Ўнлаб йиллар давомида педагог-тадқиқотчилар юқори турувчи органларнинг кўрсатмаларини “ўргатиш”га мажбур бўлганлар. Фақат кам сонли одамлар бундай муносабатга маълум даражада қаршилик кўрсатишга муваффақ бўлганлар. Бу эса педагогика фанини – педагогик таълимнинг асосини – унумсизликка, педагогик муҳитда ҳам, кенг жамоатчилик олдида ҳам обрў-эътиборни йўқотишига олиб келди. Педагогик тадқиқотлардаги бундай камчиликлар уларнинг умуман фанга мансублигини шубҳа остига қўяди, чунки хулосаларнинг ишончсизлиги, аллақачон ўрнатилган ҳақиқат ҳақида мавҳум мулоҳаза юритиш, амалий самарадорликнинг пастлиги бир неча бор қайд этилган” [1].

Ушбу фактларнинг барчасини таҳлил қилиш бизга ушбу ҳолатларни ажратиш ва уларни автономлаш етарли эмаслигини билдиради: назариётчи ўқитувчининг ҳолати ва амалиётчи ўқитувчининг ҳолати, шунингдек, мактабдаги ҳақиқий кўриниш – таълим соҳасида янги лавозим – тадқиқотчи-ўқитувчи лавозимининг пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳақиқатдан ҳам, инновацион мактабларнинг иккала гуруҳи ҳам қоидага кўра, бошиданок амалий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган. Мавжуд бўлган маданий таълим тизимини жорий қилган тақдирда ҳам, ўқитувчилар ушбу таълим тизими билан танишишлари, муайян ўқув фанлари методикаларини ўрганишлари, ушбу таълим тизимининг психологик ёндашувларини билишлари керак. Аммо кейинчалик, ҳар қандай таълим тизимининг назарий ғояларини мактаб амалиётига татбиқ этган ҳолда, ўқитувчилар ҳар сафар аниқ ва бир хил жавоб бера олмайдиган саволларга дуч келишади. Бу турли ҳолатлар билан боғлиқ.

Баъзи таълим тизимлари, масалан, Л.В.Занков, Д.Б.Эльконин, В.В.Давыдовларнинг “Ривожлантирувчи таълим” ёки В.С.Библернинг “Маданиятлар мулоқоти мактаби” ҳали нисбатан ёш (яъни, улар бир неча асрлар давомида шаклланиб келаётган таълим тизимларидан фарқли ўлароқ, очилганига бир неча ўн йиллар бўлган) ва бугунги кунда фаол ривожланишда давом этмоқда.

Бошқа таълим тизимлари, аксинча, ҳақиқий “ёши” туфайли замонавий ўқитувчининг эҳтиёжларини қондира олмайди. Дарҳақиқат, бугунги кунда бундай тизимларда ишлаш учун тизимнинг ўзининг назарий қоидаларига асосланиб, замонавий таълим шароитида педагогик тамойиллар ва фаолиятни қайта қуриш керак [2].

Биз учун жуда муҳим ва зарур таълим салоҳиятига эга бўлган баъзи хорижий таълим тизимларида ўқувчилар билан ишлаш амалиёти мавжуд. Ва ушбу таълим тизимларини ўзлаштиришни истаган ўқитувчиларнинг ўзлари махсус таълим амалиётларини ўтказиш технологияларини ишлаб чиқишлари керак.

Шундай қилиб, ҳақиқатда, ҳатто инновацион лойиҳага йўналтирилган мактабда ишлаётган ҳар бир ўқитувчи у ёки бу таълим лойиҳасини амалга оширишидан қатъий назар, ҳар куни пайдо бўладиган саволларни ҳеч кимга “бера олмаслик” ҳолатига дуч келади. Бу, ўқитувчининг муаммоли режимга кириши ва ўзининг педагогик тадқиқотларини ривожлантириши учун ҳақиқий шароитлар яратилишига олиб келади.

Ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган ёки амалга оширилган таълим тизими доирасида олиб бориладиган ва анъанавий умумтаълим мактабидаги олиб бориладиган тадқиқотларга ўхшаш бўлган тадқиқотларни биз **маҳаллий** деб атаймиз. Ушбу маҳаллий тадқиқотлар лойиҳани ва уни амалга оширишни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади, бу инновацион ўқитувчилар анъанавий мактаб лойиҳасини ривожлантирганларига ўхшайди.

Лаборатория – мактаблари шароитида илмий тадқиқот ишлари учун тубдан янги имкониятлар пайдо бўлади. Лаборатория мактабларида маҳаллий педагогик тадқиқотлар билан бир қаторда (лойиҳага йўналтирилган мактабларга ўхшаш тарзда амалга ошириладиган) **соҳа тадқиқотлари** пайдо бўлади.

Соҳа тадқиқотларининг хусусиятларига батафсил тўхталамиз. Лаборатория мактаблари, лойиҳавий мактаблардан фарқли ўлароқ, лойиҳа ғояси ва уни маълум бир мактаб шароитида амалга ошириш билан эмас, балки ушбу педагогик жамоада устувор вазифа сифатида тан олинган умумий таълим муаммоси билан бирлаштирилади. Ушбу муаммони ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда бир қатор бошқа таълим муаммоларини тушуниш, маданиятда аввал ишлаб чиқилган уни шакллантириш ва ҳал қилишнинг мумкин бўлган ёндашувларини излаш, бошқа таълим ёндашувлари ёрдамида ушбу муаммони ҳал қилишда ижобий натижалар ва муваффақиятсизликларни таҳлил қилиш - буларнинг барчаси махсус кенг қамровли соҳа тадқиқотларини талаб қилади [3].

Ўқитувчилар жамоасидаги соҳа тадқиқотларини ўтказиш жараёнида, албатта, ушбу муаммони ҳал қилишга қаратилган маълум бир лойиҳа пайдо бўлиши мумкин. Агар ўқитувчилар буни амалга оширишга қарор қилсалар, бу

босқичда албатта лойиҳани илгари суриш ва ривожлантиришга ёрдам берадиган маҳаллий тадқиқотлар пайдо бўлади. Аммо кейинги босқичда, янги янги соҳа тадқиқотлари туфайли, ушбу педагогик лойиҳанинг қисман ёки тўлиқ муаммолари пайдо бўлиши мумкин, кейинчалик уни бошқа, янада самаралироғи билан алмаштириш мумкин.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, бизнинг фикримизга кўра, лаборатория мактаблари ҳаёт тарзи шундай белгиланади. Бу баъзи инновацион мактабларнинг босқичма-босқич ривожланишини лойиҳа мактабларидан лаборатория мактабларига ўтишида кўриш мумкин.

Яна бир бор таъкидлаш мумкинки, ўз муаммоларини ҳал қилиш устида ишлаётган мактаблар шартли равишда “лойиҳа мактаблари” ва “лаборатория мактаблари” га бўлинган. Чунки таълим соҳасидаги ҳар қандай лойиҳани амалга ошириш, юқорида айтиб ўтилганидек, керак бўлганда лойиҳани амалга ошириш босқичларини тўғрилаш ёки лойиҳа босқичларини ўзгартириш имконини берадиган тадқиқотлар ўтказишни ўз ичига олади. Бошқа томондан, тадқиқот олиб борадиган лаборатория мактаблари маҳаллий лойиҳалар занжирини ўзгартиради, бу эса ўз навбатида тадқиқот объектига айланади.

Бироқ, шунга қарамай, ўқитувчилар жамоаси томонидан тан олинган мактабнинг устувор мақсадини ҳар доим лойиҳа ёки тадқиқот йўналиши мактабларига ажратиш мумкин.

Иккала ҳолатда ҳам мактабларнинг ишлаш тизимига янги элементларни жорий этилади (лойиҳалаш ёки тадқиқот фаолияти натижасида) ва ташқаридан инновацион мактаб сифатида кўринади.

Албатта, ҳар бир аниқ инновацион мактабнинг лойиҳага ёки тадқиқот дастурини қўллашга йўналиши мактаб мавжуд бўлган давр давомида ўзгариши мумкин, аммо ҳар бир даврда бу йўналиш ўқитувчилар жамоаси томонидан тан олинган устувор таълим вазифаларига нисбатан аниқ белгиланиши мумкин.

REFERENCES

1. Краевский В. В. Методология педагогического исследования. Самара, 1994.
2. Толстой Л. Н. О народном образовании. ПСС Л. Н. Толстого. Т.4.-М, 1912.
3. Ковалева Т.М. Принцип демократизации в образовании и один из возможных подходов его реализации // Педагогическая наука и развитие

образования в Томской области. Материалы региональной научно-практической конференции 16-17 декабря 1993 года. Томск, 1994.

4. Химматалиев, Д. О., & Зокирова, Д. Н. (2022). НАЗАРИЙ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ФАНИНИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАРКИБИ АСОСИДА РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(3), 630-638.

5. Umarjonovna, D. D., & Olimjon o'g'li, O. S. (2022). O'QUV MAQSADLARI IERARXIYASI TARTIBIDAGI DARSNING TA'LIM SAMARADORLIGIGA TA'SIRI.

6. Отамирзаев, О. У., Зокирова, Д. Н., & Вахобова, С. К. (2015). Проект занятий, основанных на принципах педагогической технологии. *Science Time*, (12 (24)), 606-610.

7. Отамирзаев, С. О. У., & Джураева, Д. У. (2022). АНАЛИЗ И ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ ПРИ ВЫПОЛНЕНИИ ЛАБОРАТОРНЫХ РАБОТ ПО ХИМИИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(7), 760-765.

8. Otamirzaev, O. U., & Zokirova, D. N. M. (2017). Mustaqil o'rganishga undovchi ta'lim berish usullari va ularning samaradorligi. *Міжнародний науковий журнал Інтернаука*, (1 (1)), 50-52.

9. ATAMIRZAEVA, S., & JURAEVA, D. INTERFAOL IN THE ORGANIZATION OF THE SCIENCE OF ECOLOGY USING METHODS. *ЭКОНОМИКА*, 55-57.

10. Usubovich, O. O., & Nematillaevna, Z. D. (2022). Problems Arising From the Use of the Case-Study Method and Methods of Their Prevention. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 3(6), 5-10.

11. Zokirova, D. N. M., Qurbonova, F. Q., & Nishonov, M. M. O. G. L. (2022). NAZARIY ELEKTROTEXNIKA FANI DARS MASHG 'ULOTLARIDA INNOVATSION TARBIYA BERISHNING INTERFAOL USULLARIDAN FOYDALANISH. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(3), 371-377.